



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal







AVICENNA-MED.UZ





12 (74) 2024

### Сопредседатели редакционной коллегии:

#### Ш. Ж. ТЕШАЕВ, А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ

А.А. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА

А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

М.А. АБДУЛЛАЕВА

Х.А. АБДУМАДЖИДОВ

Б.З. АБДУСАМАТОВ

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

Ш.Э. АМОНОВ

Ш.М. АХМЕЛОВ

Ю.М. АХМЕДОВ

С.М. АХМЕДОВА

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е.А. БЕРДИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ДЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

А.А. ДЖАЛИЛОВ

Н.Н. ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С. ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

А.С. ИЛЬЯСОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

A.M. MAHHAHOB

Д.М. МУСАЕВА

Т.С. МУСАЕВ

М.Р. МИРЗОЕВА

Ф.Г. НАЗИРОВ Н.А. НУРАЛИЕВА

Ф.С. ОРИПОВ

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ

Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИБОЕВ

С.А.ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Ш.Т. САЛИМОВ

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

Д.А. ХАСАНОВА А.М. ШАМСИЕВ

А.К. ШАДМАНОВ Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х. ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ

М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия) DONG JINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия) В.А. МИТИШ (Россия)

В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия)

А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)

С.Н ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан) Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)

Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

## тиббиётда янги кун новый день в медицине **NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, матнавий-матрифий журнал Научно-реферативный, духовно-просветительский журнал

#### УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

#### РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)

Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)

Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

www.bsmi.uz

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

https://newdaymedicine.com E:

12 (74)

ноябрь

Received: 20.11.2024, Accepted: 03.12.2024, Published: 10.11.2024

#### УДК 611.08

## **ХАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛУВЧИ ЁШЛАРНИНГ САЛОМАТЛИК ХОЛАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ** (Хоразм вилояти худудлари мисолида)

Ж.Қ. Машарипов., Б.С. Юлдашев., Қ. Машарипов

<sup>1</sup>Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хорезмский вилоят филиали <sup>2</sup>"Маъмун университети" Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ҳовуз 2. тел: +998 (90) 431-87-77 https://www.goldenpages.uz/

#### √ Резюме

Мақоланинг мақсади қилиб Хоразм вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг саломатлик ҳолатини ўрганиш олинди. Ўрганишни ўтказиш учун битта шаҳар ва битта туман чақирилувчилари тадқиқот учун танланди. Тадқиқотга олинган чақирилувчилар тиббий комиссиянинг ҳулосасига кўра ўрганилди ва касаллик гуруҳларига ажратилди ҳарбий ҳизматга қисман яроқли, яроқлилик чекланишлар билан ва яроқсиз гуруҳларига бўлинди. 8-йил давомида Урганч шаҳрида текшириш учун олинган 13447 нафар чақирилувчининг 2594 (19,29 %) нафари яроқсиз ёки қисман яроқсиз деб топилган бўлса, Хива туманидан олинган 15547 нафар чақирилувчиларнинг 2325 (15%) нафари шу категориягаа тушиши аниқланди. Калит сўзлар: Ҳарбий ҳизматга чақирилувчилар, тиббий комиссия, касалликлар гуруҳи.

#### ПОКАЗАТЕЛИ СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ ПРИЗЫВНИКОВ

(в примере регионов Хорезмской области)

Ж.К. Машарипов., Б.С. Юлдашев., К. Машарипов.

<sup>1</sup>Хорезмский областной филиал Научного центра скорой медицинской помощи Республики <sup>2</sup>«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2. телефон: +998 (90) 431-87-77 https://www.goldenpages.uz/

#### √ Резюме

Целью настоящей статьи явилась изучение и анализ показателей состояния здоровья призывников Хорезмской области. Для этого были изучены материалы призывников города Ургенча и Хивинского района за 8 лет. Материалы были изучены и проанализированы по заключениям медицинской комиссии призывников и были выделены группы по болезням по пригодности: частично годен, годен с ограничениями, не годен. При изучения состояния здоровья призывников по городу Ургенч из 13447 обследуемых 2594 (19,29%) был не годен по разным причинам, из Хивинского района из 155474 обследуемых 2325(15%) призывников были не пригодны к военной службе.

Ключевые слова:призывники, медицинская комиссия, группы болезней.

#### INDICATORS OF THE HEALTH STATUS OF CONSCRIPTS

(in the example of the regions of the Khorezm region)

J.K. Masharipov, B.S. Yuldashev, K. Masharipov

<sup>1</sup>Khorezm branch of the Scientific and practical center of emergency medical care of the Republic of Uzbekistan

<sup>2</sup>"Mamun University" Uzbekistan Khorazm region, Khiva, Bol-govuz 2. tel: +998 (90) 431-87-77 https://www.goldenpages.uz/



#### ✓ Resume

The purpose of the article was to study the health status of conscripts from the Khorezm region. Conscripts from one city and one district were selected to conduct the study. The recruits who passed the examination were examined according to the conclusion of the medical commission and divided into groups of patients partially fit for military service, with limitations on their fitness and into groups unfit for service. Of the 13447 conscripts selected for inspection in Urgench, 2594 (19,29%) were declared incompetent or partially unfit, and of the 15547 conscripts selected from the Khiva district, 2325 (15%) fell into this category.

Keywords:conscripts, medical commission, groups of diseases.

#### Долзарблиги

К уролли кучларга чақирилиши керак бўлган ёшларнинг саломатлиги ахоли саломатлиги ва ижтимоий барқарорликнинг мухим кўрсаткичидир. Чақирилувчиларнинг соғлиғи холатини тахлил қилиш нафақат ёшларнинг харбий хизматга жисмоний тайёргарлигини бахолаш, балки турмуш тарзи, тиббий ёрдам ва ижтимоий шароитлар билан боғлиқ асосий муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Ижтимоий-иқтисодий шароитлар сирасида оила даромадлари даражаси, таълим даражаси ва мамлакатда соғлиқни сақлашнинг умумий ҳолати ёшлар саломатлигига бевосита таъсир қилади. Кам таъминланган ҳудудларда чақирилувчилар орасида кўпинча касаллик даражаси юқорилиги кузатилади.

Ёшлар орасидаги хаёт тарзи: овқатланиш одатлари, жисмоний фаоллик даражаси ва ўз соғлиғига бўлган муносабат ёшлар саломатлигини шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Чекиш, спиртли ичимликлар ва гиёхванд моддалар билан боғлиқ жисмоний ва рухий муаммолар ҳарбий хизматга тайёрликка ҳам таъсир қилади.

**Тадқиқот мақсади:** Хоразм вилоятида яшовчи чақирувга қадар ва ҳарбий ёшдаги йигитларнинг соғлиғини ўрганиш. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришга тўсқинлик қиладиган асосий касалликларни аниқлаш.

#### Материал ва тадкикот усуллари

Ушбу тадқиқотни ўтказишда Хоразм вилояти бўйича ҳарбий Комиссарлигининг ҳарбий ҳизматга фуқароларни тайёрлаш ва чақириш бўйича тиббий комиссиянинг ҳулосаларидан фойдаланилган. Бу комиссия ҳулосалари бўйича Хоразм вилоятининг битта шаҳар (Урганч ш.) ва битта туманида (Хива тумани) тадқиқот ишлари олиб борилди.

#### Натижа ва тахлиллар

Тадқиқот учун иккала худуддан жами 636 нафар чақирилувчи жалб қилинди. Берилган тиббий хулосалар Ўзбекистон республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавкулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 - мартдаги 11,8,5,6,23 ққ, 37 -сон қарорига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги" низом асосида амалга оширилган.

Хоразм вилояти худудлари бўйича охирги 8 йил давомида 156648 нафар чақирилувчилар тиббий кўрикка жалб қилинган бўлса, текширишлар жараёнида уларнинг уларнинг 132528 (84,6%) нафари АВС тоифадагилар бўлиб, ҳарбий хизматга яроқли деб ҳисобланган бўлса, 24120 (15,4%) нафари турли сабабларга кўра чекланишларга эга бўлишган ва диспансер ҳисобига олинган. Агар булар йиллар кесимида таҳлил ҳилинадиган бўлса, чекланишлар энг кўп аниҳланган йил 2020-йилда бўлиб, 28% ни ташкил ҳилган, энг паст чекланишлар аниҳланган йил эса 2024 -йил бўлиб 9.6% ҳолатдагина кузатилган (жадвал -1).

Биз ҳарбий ҳизматга чақирилувчиларнинг ҳудудларга, саноат ривожланиши билан боғлиқ булган экологик муаммоларга боғлиқлик сабабларини урганиш мақсадида урганишларимизни аҳоли сони жиҳатидан бир-бирига яқин булган битта туман ҳудуди ва битта шаҳар ҳудуди чақирилувчилари орасида утказишни мақсад қилиб Урганч шаҳри ва Хива туманлари чақирилувчиларининг саломатлик ҳолатларини ургандик ва қуйидаги маълумотларга эга булдик.

12 (74) 2024 «Тиббиётда янги кун»

Урганч шахридан 8 -йил давомида 13447 нафар ўсмир харбий хизматга чакирилувчи сифатида жалб қилинган бўлса, шундан 2594 нафари, яъни 19,29% турли сабабларга кўра хизмат килиш учун чекланишларга эга деб хулоса чикарилган ва бу вилоят бўйича энг катта кўрсаткич хисобланади.

Йиллар кесимида бу холат тахлил килинганида 2017 йилда 1925 нафар чакирилувчидан 1646 (85,7%) нафари харбий хизматга ярокли деб топилган бўлса 279 (13,9%) нафари турли сабаблар билан харбий хизматга яроксиз деб топилган. Буларнинг ичидан Д-тоифага оидлар 95 нафарни (4,9%), Е тоифага оидлар 173 нафарни (8,9%), F- тоифага оидлар 11 нафарни (0,5%) ни ташкил килган.

Туманлар	Умумий	АВС тоифа	Д-тоифа	Е-тоифа	F-тоифа
	сони				
Урганч шахри	13447	10853 (80,71%)	862 (6,4%)	1630 12,1%)	102 (0,76%)
Урганч тумани	14252	11832 (83,01%)	529 (3,7%)	1824 (12.8%)	67 (0,5%)
Хонқа	15723	13499 (85,85%)	356 (2,3%)	1585 (10%)	84 9 (0.5%)
Боғот	16100	13312 (82,7%)	205 (1,3%)	2425 (15%)	158 (1%)
Хазорасп	15550	13400 (86,17%)	621 (4%)	1467 (9,4%)	72 (0,5%)
Хива тумани	15547	13226 (85,07%)	251 (1,61%)	2035 (13,1%)	39 (0,25%)
Кўшкўпир	16870	14225 (84,3%)	798 (4,7%)	1759 (10,4%)	90 (0,5%)
Шовот	16257	13200 (81,2%)	1462 (9%)	1554 (9,5%)	41 (0,3%)
Гурлан	13318	10979 (82,4%)	599 (4.5%)	1533 (11,5%)	207 (1,6%)
Янгибозор	8020	6782 (84,6%)	336 (4,2%)	836 (10,4%)	66 (0,8%)
Янгиариқ	8645	8144 (94,2%)	186 (2,1%)	313 (3,6%)	2 (0.01%)
Тупроққала	2919	2857 (97,8%)	26 (1%)	36 (1,2%)	
Вилоят бўйича	156648	132528 (84,1%)	6231 (4%)	16997 (10,9%)	1693 (1%)


2018- 2019 йилларда 3892 нафар чақирилувчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб иккала йилда ҳам уларнинг 85% (3345 нафари) ҳарбий ҳизматга яроқли ва 15% турли сабабларга кўра чекланишларга эгалиги аниқланган. 283 нафарини (15%) чекланиши борлар ташкил қилиб Д-тоифадагилар 95 нафар (5,1%), Е-тоифадагилар 176 нафар (9,1 %), F-тоифадагилар 12 нафар (0,6%) ни ташкил қилган.

2020 -йилда 1446 нафар чакирилувчидан 1042 нафари яъни 73,3 % ярокли деб кайд кинган бўлса, 404 нафари (26,7%) турли сабаблар бўйича вактинча ва муким яроксиз холатда деб хисобланиб диспансер хисобга олинган. Булар ичида энг кўпи Е тоифага таъаллукли бўлиб 251 нафарни (17,34 %) ташкил килган. Д -тоифа эса 113 нафар, (6,5%), F- тоифа эса 40 нафар (6,5%) холатда кузатилган.

2021 -йилда чакирилувчилар сони 1957 нафарни ташкил қилиб, улардан 1716 (87,3%)нафари соғлом, 111 нафари (5,6%) Д-тоифага оид, 130 нафари (6,6%) Е- тоифага оидлиги учун диспансер хисобга олиниб даволаш учун юборилган.

Жадвал 1.

Туманлар	Умумий	АВС тоифа	Д-тоифа	Е-тоифа	F-тоифа
	сони				
Урганч шахри	13447	10853 (80,71%)	862 (6,4%)	1630 12,1%)	102 (0,76%)
Урганч тумани	14252	11832 (83,01%)	529 (3,7%)	1824 (12.8%)	67 (0,5%)
Хонқа	15723	13499 (85,85%)	356 (2,3%)	1585 (10%)	84 9 (0.5%)
Боғот	16100	13312 (82,7%)	205 (1,3%)	2425 (15%)	158 (1%)
Хазорасп	15550	13400 (86,17%)	621 (4%)	1467 (9,4%)	72 (0,5%)
Хива тумани	15547	13226 (85,07%)	251 (1,61%)	2035 (13,1%)	39 (0,25%)
Кўшкўпир	16870	14225 (84,3%)	798 (4,7%)	1759 (10,4%)	90 (0,5%)
Шовот	16257	13200 (81,2%)	1462 (9%)	1554 (9,5%)	41 (0,3%)
Гурлан	13318	10979 (82,4%)	599 (4.5%)	1533 (11,5%)	207 (1,6%)
Янгибозор	8020	6782 (84,6%)	336 (4,2%)	836 (10,4%)	66 (0,8%)
Янгиариқ	8645	8144 (94,2%)	186 (2,1%)	313 (3,6%)	2 (0.01%)
Тупроққала	2919	2857 (97,8%)	26 (1%)	36 (1,2%)	
Вилоят бўйича	156648	132528 (84,1%)	6231 (4%)	16997	1693 (1%)
·				(10,9%)	



2022 йилда 1795 нафар ўсмирлардан 1268 нафаригина ABC тоифага мансуб бўлиб бу 70,6% ни ташкил қилиб, 8 йил давомидаги энг паст кўрсаткичга эга бўлган ва энг кўп яроксизлик ҳолати Е- тоифада кузатилиб 422 (23,5%) нафар чақирилувчини ўз ичига олган. Д ва F тоифалар мос равишда 86 (4,7%). 19 (1,5%) ни ташкил қилган.

Кейинги икки йил давомидаги чақирилувчиларнинг ҳам саломатлик ҳолати олдинги йилларга ҳараганда бироз юҳори булсада, пастлигича ҳолган.

2023 -йилда бу курсаткич 77% ни, 2024-йилда эса 73,3% курсаткични қайд қилган. Бу икки йил давомида чақирилувчилар сони ҳам олдинги йилларга қараганда анча паст булган: 1106 нафар 2023-йилда ва 996 нафар 2024- йилда.


Хива туманидан ҳарбий хизматга чақирилувчилар саломатлик ҳолати таҳлили шуни кўрсатдики, таҳлил қилинган барча йиллар (2017-2024 йй) давомида (2021, 2022 - йиллардан ташқари, бу йилларда 74, 79% ни ташкил қилган) чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга


яроқлилик даражаси 80% дан юқорини ташкил қилган ва чақирилувчиларнинг умумий сони ҳам деярли 20 % га кўплиги кузатилган (жадвал 2).


Чақирилувчиларнинг энг юқори даражадаги саломатлик ҳолати 2019 - йилда кузатилиб, 2050 нафардан 1921 нафари (93.7 %) яроқли деб ҳисобга олинган. Қолган йиллардаги кўрсаткичлар 2017 - йилда 84.%, 2018 - йилда 93,2%, 2020 - йилда 88,5%, 2023 - йилда 89,3% ни, 2024 - йилда 92000 - йилда 92


Жадвал 2 Урганч шаҳар ва Хива туманларида ҳарбий хизматга чақирилувчилар саломатлик ҳолати қурсаткичлари

	I	Zonain Kypeaikn		1	_
Таҳлил	Саломатлик	Урганч шахри	Фоизда	Хива тумани	Фоизи
қилинган йиллар	тоифалари				
2017 йил	Чақ.сони	1925		2050	
	ABC	1646 (	85,7%	1733	84.5%
	Д E	95	4,9%	126	6,1%
	Е	173	8.9%	171	8,3%
	F	11	0,5%	20	0,9%
2018 йил	Чақ.сони	1928		1500	
	ABC	1645	85 %	1399	93,2%
	Д	95	5,1%		,
	E	176	9,1%	93	6.2%
	F	12 (0,6%)	ĺ	8	0.5%
2019 йил	Чақ.сони	1964		2050	
	ABC	1700	85%	1921	93,7%
	Д	135	6,8%	46	2,2%
	E	123	6,2%	79	3,8%
	F	6	0,3%	4	0.1%
2020 йил	Чақ.сони	1446	0,570	1900	0.170
2020 MMJI	АВС	1042	73,3%	1681	88,5%
		113	6,5%	1001	00,570
	Д E	251		210	11 50/
	F	40	17,3%	219	11,5%
2021 йил		1957	2,7%	2200	
2021 иил	Чақ.сони		97.60/		72.60/
	ABC	1716	87,6%	1623	73.6%
	Д E	111	5,6%	78	2,5%
		130	6,6%	497	23 %
2022 4	F	1505		2	0,9%
2022 йил	Чақ.сони	1795	<b>=</b> 0.50/	2000	<b>=</b> 0.00/
	ABC	1268	70,6%	1578	78,9%
	Д	86	4,7%		
	E	422	23,5%	421	21,5%
	F	19	1,5%	1	0,05%
2023 йил	Чақ.сони	1436		1850	
	ABC	1106	77%	1662	89,3%
	Д	117	11%		
	Е	203	15,26%	188	10.7%
	F	10	0,4%		
2024 йил	Чақ.сони	996		1997	
	ABC	730	73,3%	1629	81,%
	Д	110	11%	1	0,05%
	E	152	15,26%	367	18,3%
	F	4	0.4%	4	0.65%









Жадвалдан кўриниб турганидек Урганч шахридаги чақирилувчиларнинг 2022 - йилдан бошлаб микдори камайиб бориши билан бирга хизматга яроклилик кўрсаткичлари хам камайиб борган, бу холат шахарда мактаб ўкувчилари орасидаги профилактик кўрикларнинг ўз вактида сифатли килиб ўтказилмаганлиги натижаси деб хисоблаш мумкин, чунки агар мактаб ёшидаги болалар ўз вактида сифатли тиббий кўриклардан ўтказилганида диспансер хисобига кўйилиб, даволаш ишларини самарали ўтказиш имконияти пайдо бўлган бўларди.

Хива туманида чақирилувчилар сони тадқиқот ўтказилган барча йилларда (2018 йилдан бошқа) деярли бир хил кўрсаткичга эга бўлган, бу туманда демографик ўсиш бир хилда бўлганлигидан далолат беради, аммо бу туманда ҳам 2021, 2022 - йилларда саломатлик кўрсаткичлари бироз пасайиб 80% дан кам кўринишга эга бўлган.


Барча текширилувчилар касаллик структураси бўйича тахлил қилинганида чақирув муддати кечиктирилганлар (Д-тоифа) Урганч шахрида 95 нафарни (4,9%) ташкил қилиб уларнинг 33 нафари (35%) терапевтик касалликлардан, 18 нафари (19%) хирургик касалликлардан, 17 нафари

(17,5%) кўз касалликларидан, 13 нафари (13,5%) ЛОР касалликларидан, 8 нафари (8%) теританосил касалликларидан, 4 нафари (4%) тиш-жағ ва 2 нафари (2%) асаб тизими касалликлари билан оғришган.

Хива туманида эса 126 нафарида (6,1%) кечиктирув бўйича сабаблар аникланган бўлиб, уларнинг тахлили шуни кўрсатдики: энг кўп сабаб бўлиб терапевтик касалликлар 68 нафар чакирилувчида (54%) кузатилган, кейинги ўринларда хирургик каслликлар 25 нафар (20%), кўз касалликлари 12 нафар (9,5%), 8 нафардан (12,7%) асаб тизими ва ЛОР касалликлари ташкил килган бўлса, тери-таносил тизими касалликлари 4 нафар (3,3%), тиш жағ касалликлари 1 нафар (0,5%) чакирилувчида аникланган (жадвал 3).

Жадвал 3

Худудлар	Умумий сони	Асаб тизими	Терапевтик	Хирургик	ЛОР	Тиш- жағ	Кўз	Тери - таносил
Урганч шаҳар	95	2	33	18	13	4	17	8
Хива тумани	126	8	68	25	8	1	12	4
Жами	221	10	101	43	21	5	29	12



Жадвалдан кўриниб турганидек иккала туманда ҳам чақируви кечиктирилган 221 нафар ўсмирларнинг 101 нафарини (45,7%) терапевтик касалликлар ташкил қилган бўлса, 43 нафарини (19,5%) хирургик касалликлар, қолган ўринларда кўз 29 нафар (13%) ва ЛОР касалликлари 21 нафар (9,5%) ташкил қилган.

#### Хулоса

Ўтказилган тахлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Туман худудида яшовчи ёшларнинг саломатлик кўрсаткичлари шахарда истикомат киладиган ёшларникига караганда яхшилиги кузатилди, бу холат тиббий профилактик ишларбу худудларда бироз яхши олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Шаҳардаги ўғил болалар демографик ўсиш ҳолати 2000-йилларда бироз пасайганлиги кузатилди, чунки аҳоли сони жиҳатидан деярли тенг бўлган ҳудудлардаги чаҳирилувчилар сони туманда 20 % кўплиги аниҳланди.

Касалликлар структурасида олдинги ўринларни терапевтик касалликлар эгаллаган бўлса, кейинги ўринлар хирургик, кўз ва ЛОР касаллиллари зиммасига тўгри келди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1. Кузьмин С. А., Солодовников В. В., Вахитов Э. М., Галин А. П. Анализ показателей здоровья допризывной и призывной молодежи Оренбургской области. //Известия Самарского научного центра Российской академии наук. 2015;17(5):490-494.
- 2. Линченко С. Н., Арутюнов А. В., Пухняк Д. В., Хмелик В. И. Особенности динамики показателей здоровья и их связь с организацией медицинского обеспечения молодежи допризывного и призывного контингентов на Юге России. //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015;3-4:634-638.
- 3. Махсудов Р. Мониторинг физического развития юношей старших классов общеобразовательных школ. 2019.
- 4. Нажмитдинов М.К. Воспитание воинского патриотизма методологические теоретические основы //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. 2023;2(18):1089-1096.
- 5. Налобин Р.В. Морфофункциональные особенности военнослужащих, проходящих военную службу по призыву в зенитных ракетных войсках противовоздушной обороны (ПВО). 2016.
- 6. Непомнящих Т. А. и др. Мониторинг физической подготовленности школьников допризывного возраста //Ученые записки университета им. ПФ Лесгафта. 2023;6(220):260-264
- 7. Ханкельдиев Ш.Х. Физический статус учащейся молодежи. /Монография. Ташкент 2018; 342 с
- 8. Хасанов А. Т. Педагогическая технология профессионально-прикладной физической подготовки студентов факультетов допризывного военного образования. /Автореф. дис.док.филос. пед. наук. Т. 2017; 48 с.
- 9. Худойбердиева Х.Т. Клинические признаки психовегетативных проявлений вегетативной дистонии в зависимости от гармоничности физического развития и пола подростков //Интернаука. 2021;2(1):55-56.

Қабул қилинган сана 20.11.2024

